

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"**

**№ ВМ-343-53408-4.02**

**"1" июль 2003 й.**

**"ТАСДИҚЛАНДИ"**

**Ўзбекистон Республикаси**

**Олий ва ўрта махсус**

**таълим вазирлиги**

---

**"8" июль 2003 й.**

**СОЛИҚНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШ  
фанидан  
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 - "Бизнес ва бошқарув"  
таълим соҳасидаги 5340800 - "Солиқлар ва  
солиққа тортиш" бакалавриат йўналиши учун**

**Тошкент - 2003**

**Тузувчилар:** доц. Альмардонов М.,  
к.ўқ. Абдуллаев Х.

**Такризчилар:** доц. Саидхўжаев П.,  
доц. Усанов А.

Иқтисодиётда бозор муносабатларини тартибга солувчи воситаларни вужудга келтириш ва мустаҳкамлаш, истеъмол бозорини барқарорлаштириш ва пировард натижада аҳолининг турмуш даражасини оширишни таъминлашга, мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига иқтисодий интеграциялашувини жадаллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимида давлатнинг тўғри ва адолатли солиқ сиёсати алоҳида ўринни эгаллайди.

"Солиқни прогноз қилиш" ўқув фани солиқ тушумларини таҳлил қилиш солиқ элементларини, солиқ объектларини тўғри аниқлаш ва шу асосда солиқ тушумларини прогнозлашга хизмат қилади. Солиқларни прогнозлашдан мақсад кейинги давр учун бюджет параметрларини аниқлаш ва уларга зарур ўзгартиришлар киритишдан иборат.

На основе государственного стандарта Высшего образования по направлению "Налоги и налогообложение", дисциплина "Налоговое прогнозирование" является профилирующим предметом. В процессе преподавания этой дисциплины раскрываются такие темы, как характеристика уплаты юридическими и физическими лицами налоговых и неналоговых платежей, в том числе исчисление и уплата налоговых и неналоговых платежей. В сущности, исчисление, предоставление расчетов и способы уплаты юридическими и физическими лицами налоговых и неналоговых платежей изучается на основе практики.

After the achievement independence of The Republic of Uzbekistan all democratic changes have happened and based on priority of law and respect to law and teach obeying to law. Tax right is going to have its own task in this program.

The most aims of entering of subject of "prognozation of taxes" in to teaching plan are improving students' knowledge and brain of right, to explain main concepts and terms of prognozation of taxes, to teach using of them and obligations and ability in practise.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастурлар тўплами Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини

Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

## **1. СЎЗ БОШИ**

### **Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари, бошқа фанлар билан боғлиқлиги**

Солиқлар давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсатини амалга оширишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Бу масалани ечиш солиқ тушумларининг объектига ва солиқ базасига бевосита боғлиқ. "Солиқни прогноз қилиш" ўқув фанининг асосий мақсади - солиқлар ва йиғимлар тушумини, солиққа тортиладиган база ва уни ташкил этувчи элементларни чуқур ўрганиш ва шу асосда бюджет тушумлари объектларини ҳар бирини алоҳида, шунингдек, уларнинг умумий ҳажмини маълум давр учун прогнозлашдан иборат.

Олиб борилган таҳлил ва прогнозлаш асосида хўжалик субъектлари ва аҳолининг давлат билан ўзаро солиқ муносабатларини тартибга солувчи солиқ қонунчилигини мукаммаллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишни ўрганиш мазкур ўқув фанининг муҳим вазифаси бўлиб ҳисобланади. Бинобарин, ўз вақтида киритилган ва қонуний тартибда қабул қилинган таклифлар иқтисодиётдаги номутаносибликларни бартараф этиш ва бюджет даромадларининг кўпайишига олиб келади.

"Солиқни прогноз қилиш" фани "Солиқ назарияси", "Солиқлар ва солиққа тортиш", "Чет мамлакатлар солиқ тизими" каби қатор фанлар билан узвий боғланган.

### **Ўқув фани бўйича билим, кўникма ва малакаларга талаблар**

"Солиқни прогноз қилиш" фани талабаларга корхоналар ва ҳудудлар миқёсидаги молиявий ва хўжалик ҳисоботлари кўрсаткичларини таҳлил қилиш ҳамда улардан маълум хулосалар чиқариш, истиқболли давр учун солиқ тушумларини прогноз қилиш ва хулосалар чиқариш, прогноз ҳисобларига таъсир этувчи иқтисодий, молиявий, ижтимоий омилларни аниқлашга оид билим ва кўникмаларни ўргатади. Бу ўқув фани талабалардан юқори билим даражасини, иқтисодий мушоҳада қила олиш қоибилиятини талаб қилади. Шунингдек, талабаларга Давлат солиқ кўмитаси, Давлат солиқ бошқармалари, Давлат солиқ инспекциялари ҳисобот материалларини таҳлил қилиш ва шу таҳлиллар асосида мустақил равишда солиқ тушумларини прогноз қилишни ўргатади.

## **Амалий машғулотлар бўйича бажариладиган ишларнинг минимал миқдорига талаблар**

Ишчи ўқув дастурида келтирилган амалий (семинар) машғулотларининг мавзуларидан талабалар тегишли тартибда танлаб олиб, бу мавзулар бўйича рефератлар ва мустақил ишлар тайёрлашлари ҳамда амалий машғулотни олиб борувчи профессор-ўқитувчи назоратида тайёрланган ишлар юзасидан оғзаки суҳбатдан ўтишлари лозим. Ушбу талаблар амалий машғулотлар мавзуларидаги юлдузча билан ажратиб кўрсатилган кичик мавзулар бўйича талабаларнинг тўлиқ ўзлаштиришларини белгилаб беради.

### **Аудитория машғулотлари турларининг соатлар ҳажми бўйича тавсиялар**

Олий касбий таълимнинг давлат стандартларида мазкур курсга 129, шу жумладан 48 - маъруза, 38 – амалий, 43 - мустақил таълим соатлари ажратилган. "Солиқни прогноз қилиш" фани бўйича олинган билимлар талабаларни кейинчалик амалий фаолиятда муаммоларни ечишда ҳамда замонавий иқтисодиётга доир адабиётларни ўрганиб, касбий малакаларини оширишларида қўл келади.

### **Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори**

"Солиқни прогноз қилиш" фанидан талабаларнинг билимини баҳолаш тўрт марта оралиқ, тўрт марта жорий, ҳамда якуний назорат шаклларида ўтказилади. Якуний назорат ёзма шаклида ташкил этилади.

### **Компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларини қўллаш**

"Солиқни прогноз қилиш" фанини ўқитишида компьютерлардан, аудио ва видео жиҳозлардан, дипроектор ва кодоскоплардан, шунингдек, турли жадваллар ҳамда слайдлардан фойдаланиш талаб этилади.

## **2. ФАН ДАСТУРИ**

### **"Солиқни прогноз қилиш" фани бўйича маъруза машғулотлари мавзуси**

#### **Солиқ тушумларининг таҳлили**

*Солиқ тушумлари таҳлилининг мақсади ва вазифалари. Солиққа тортиладиган база ва уни ташкил этувчи элементларнинг солиқ турлари бўйича таркиби. Уларнинг ривожланиши ва ўзгариш тенденциясини ўрганиш зарурлиги. Бюджет даромадларини шакллантиришда, иқтисодиётдаги номуносибликни бартараф этишда таҳлил натижаларидан фойдаланиш. Таҳлил натижаларидан давлат бюджети параметрларини ўз вақтида ва асосланган ҳолда тузишда фойдаланиш.*

Солиққа оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда солиқ тушумлари таҳлили натижаларидан фойдаланиш.

### **Солиққа тортиладиган база ва унинг элементлари таҳлили**

Солиққа тортиладиган база ва унинг ташкил этувчи элементлари. Солиққа тортиладиган базани аниқлаш усуллари. Солиқ турлари бўйича солиқ базаси элементларига таъсир этувчи омиллар. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми динамикаси ва унинг солиқ базасига таъсири. *Корхоналарнинг сон ва сифат жиҳатидан ўзгаришининг солиқ турлари базаси ҳажмига таъсирининг таҳлили. Тадбиркорлик билан шугулланувчи жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар базасини аниқлашнинг ўзига хослиги ва унинг таҳлили. Қўшилган қиймат солиғи. Фойда (даромад) солиғи. Жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи ва бошқа солиқларнинг солиққа тортиладиган базаларини йўриқномалар орқали ўрганиш ва таҳлил этиш.*

### **Йиғма жадваллар тузиш услуги**

Йиғма жадвалларнинг мазмуни ва уни тузишдан мақсад. Йиғма жадвалларнинг турлари. Таҳлилнинг мақсади ва вазифаларига қараб кўрсаткичлар киритиш. Худудлар, корхоналар, солиқ турлари бўйича йиғма жадваллар тузиш. Корхоналар фаолияти турлари; мулк шакллари ва бошқа белгиларига кўра йиғма жадваллар тузиш услугиёти.

### **Солиқ тўловчилар гуруҳлари бўйича солиқ тушумлари таҳлили**

Солиқ тўловчиларни гуруҳлаш, корхоналарнинг фаолият турларига қараб солиқ тушумлари таҳлили. *Корхона бухгалтерия ҳисоботи асосида молиявий хўжалик фаолияти кўрсаткичлари. Корхонада солиқ тушумларига таъсир этувчи кўрсаткичлар. Алоҳида кўрсаткичларнинг ўртача миқдорлардан катта фарқланишлар сабабларини ўрганиши. Жисмоний шахслардан солиқ тушумлари. Худудлар бўйича (Республика, вилоят, шаҳар, туман) солиқ тушумлари таҳлили.*

### **Солиқ тўловларининг корхоналар молиявий ҳолатига таъсири таҳлили**

Фаолият турларига қараб корхоналарни солиқлар ва тўловлар таъсири бўйича жадваллар тузиш (5 та). *Жами солиқлар ва тўловлар йиғиндисининг салмоғини ҳар хил кўрсаткичлар бўйича аниқлаш. Тўғри ва эгри солиқларнинг жами солиқ юкидаги салмоғи. Эгри солиқларнинг маҳсулот (иш, хизмат) таннархи, сотиш ҳажми ва бошқа солиқ турлари базасини шаклланишига таъсири. Тўғри ва ресурс солиқлари ҳажмининг корхона молия-хўжалик фаолиятига таъсирини ўрганиш.*

## **Юридик шахсларнинг фойда (даромад) солиғи бўйича ўртача ставкасини аниқлаш**

Ҳар хил фаолият билан шуғулланувчи корхоналарда солиққа тортиладиган база ва ўртача солиқ ставкасини аниқлаш зарурлиги. *Аниқ материаллар асосида фойда (даромад) солиғи бўйича ҳисобланган ўртача солиқ ставкасининг ҳар хил корхоналарда аниқ ставка ва ҳақиқатда фойдадан фарқланиш сабаблари ва уларнинг таҳлили.*

## **Қўшилган қиймат солиғи бўйича солиққа тортиладиган база ва ўртача солиқ ставкасини аниқлаш**

Турли фаолият кўрсатувчи корхоналар мисолида қўшилган қиймат солиғининг солиққа тортиладиган базасини аниқлаш. Солиққа тортиладиган оборотларни аниқлаш. *Солиққа тортилмайдиган оборотлар. Ҳар хил ставкалар бўйича алоҳида қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш. Қўшилган қиймат солиғининг ўртача солиқ ставкасини аниқлаш. Ўртача ставкага таъсир этувчи омиллар. Ўртача солиқ ставкаси асосида бюджетга солиқ тушумларини аниқлаш.*

## **Солиқ тушумларининг прогнози**

Солиқ тушумларини прогнозлашнинг аҳамияти ва вазифалари. Солиқ тушумларини прогнозлашнинг зарурлиги. *Прогнознинг эҳтимолий ва истиқбол табиати. Прогноз ҳисоблари учун асос бўлувчи материаллар. Солиқ тушумларини прогнозлашда макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисобга олиш тартиби.*

## **Иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиш имкониятлари**

Прогноз даврига қараб прогноз турлари. Солиқ тушумларининг прогноз суммаларига таъсир этувчи объектив ва субъектив омиллари. Уларни билиш ва таъсирини олдиндан аниқлай олиш(кўра олиш). *Прогноз жараёнларининг ва тенденцияларининг барқарорлиги. Кўрсаткичларнинг динамик қаторларини тузиш. Иқтисодий хусусиятларнинг ҳисобга олиш. Солиқ тушумлари прогнози барқарор бўлмаган иқтисодий жараёнларга таъсири.*

## **Жисмоний шахслар даромад солиғини прогнозлаш**

Прогноз ҳисобларининг маълум тартиби. Уларнинг зарурлиги. Жисмоний шахслар даромад солиғини прогнозлаш учун зарурий кўрсаткичлар таркиби. *Ходимлар сони, меҳнат ҳақининг ўртача миқдори. Кўрсаткичларга таъсир этувчи иқтисодий ва ижтимоий омиллар. Ҳар бир омилнинг таъсири таҳлили. Инфляция даражаси ҳисоби. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг инфляция даражасидан ортда қолиш коэффициенти. Жисмоний шахслар даромад солиғи прогноз суммасини ҳисоблаш тартиби. Прогноз суммасининг эҳтимоллик даражаси.*

## **Тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромад солиғини прогнозлаш**

Солиқни прогнозлаш учун зарур бўлган кўрсаткичлар таркиби. *Прогноз суммаларига солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларнинг таъсири.* Тадбиркорлик турларини прогноз қилиш суммасига таъсири.

### **Юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғини прогнозлаш**

Даромад (фойда) солиғини прогнозлаш учун зарур бўлган кўрсаткичлар таркиби. *Ялпи фойдани аниқловчи иқтисодий кўрсаткичлар. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш даражаси. Товар айланишининг ўсиш даражаси.* Хизмат кўрсатиш ва иш бажаришнинг ўсиш даражалари. Ҳисобот даври учун ялпи фойда. Солиқдан берилган имтиёзларнинг даромад (фойда) солиғи прогнози суммасига таъсири.

### **Кўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини прогнозлаш**

"Кўшилган қиймат" тушунчаси. Кўшилган қиймат таркиби. *Кўшилган қиймат солиғи ставкалари турлари. Кўшилган қиймат солиғи бўйича прогноз тушумларининг ҳисоби учун жадвал тузиш. Моддий соҳа ходимлари МХФ ҳисоби. Акциз солиғи суммасини прогноз қилиш.* Акциз ости маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми. Кўзда тутилаётган улгуржи нархлар. Амортизациянинг прогноз миқдорларини аниқлаш. Асосий фондларнинг янгиланиш ва эскириш даражаси. Ишлаб чиқариш воситаларига нархларнинг ўзгариши. Инфляциянинг кутилаётган даражаси. Кўшилган қийматнинг жами суммаси. Прогноз даври учун кўшилган қиймат солиғи суммаси.

### **Солиқлар ва тўловлар йиғиндисини прогнозлаш**

Солиқ тушумлари прогноз суммалари асосида йиғма жадвал тузиш, даромад (фойда) солиғи, кўшилган қиймат солиғи, жисмоний шахслар даромад солиғи, бошқа солиқлар ва тўловлар тушумларини аниқлаш услуги. *Уларнинг ҳисобот давридаги салмоғи. Прогноз даври учун умумий тушумлар ҳисоби.*

### **Солиқ органларида прогнозни ташкил этиш. Солиқ тушумлари ҳисоби ва назоратини юритиш**

*Солиқ тушумларини таҳлили ва прогноз бўйича солиқ органларининг вазифалари. Солиқ инспекцияларида прогноз бўлими ишларини ташкил этиш.* Таҳлил ва прогноз бўйича мажбуриятлари. Амалдаги солиқ қонунчилигига ўзгартириш киритиш учун таклифлар ишлаб чиқиш. Таҳлил натижаларидан

корхоналарда ҳужжатли текширувлар ўтказишни танлашда фойдаланиш. Солиқ тўловлари тўлиқлигини аниқлаш.

### **Солиқлар ва тўловлар тушуми ҳисобини юритиш**

Тезкор бухгалтерия ҳисобини юритиш. Солиқлар ва молиявий жарималар ҳисобини юритиш. Бюджет даромадлари ва харажатлари классификацияси бўлими, бандлари. Солиқ органларига бухгалтерия ҳисоботлари ва ҳисобларини тақдим этиш. Аванс тўловлар, маълумотномалар, пеняларнинг қўлланилиши. Солиқларни ундириш бўйича тўлов хабарномалари. *Инкасса талабномалари бўйича қайднома дафтари. Жисмоний шахслар даромад солигини тўлаш тартиби. Даромадларни декларациялаш.* Ер солиғи ва мулк солиғи бўйича тўлов хабарномалари. Йиғма реестрлар. Шахсий варақалар.

### **Солиқ органларининг солиқ ва тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида ундириши устидан назорати**

Солиқ органларида назоратни ташкил этиш. Молиявий жазолар, маъмурий жарималар қўлланилиши таҳлили. *Прогноз бўлимида солиқ қонунчилигини бузганлик учун молиявий жарималарнинг қўлланилиши таҳлили.*

## **3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУЛАРИНИНГ МАЗМУНИ**

### **Солиқ тушумларининг таҳлили**

Солиқ тушумлари таҳлилининг мақсади. Солиққа тортиладиган база ва уни ташкил этувчи элементларнинг солиқ турлари бўйича таркиби\*. Уларнинг ривожланиши ва ўзгариш тенденциясини ўрганиш зарурлиги. Бюджет даромадларини шакллантиришда, иқтисодиётдаги номутаносибликни бартараф этишда таҳлил натижаларидан фойдаланиш. Таҳлил натижаларидан давлат бюджети параметрларини ўз вақтида ва асосланган ҳолда тузишда фойдаланиш\*.

### **Солиққа тортиладиган база ва унинг элементлари таҳлили**

Солиққа тортиладиган база ва уни ташкил этувчи элементлари. Солиққа тортиладиган базани аниқлаш усуллари. Солиқ турлари бўйича солиқ базаси элементларига таъсир этувчи омиллар. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми динамикаси ва унинг солиқ базасига таъсири. Корхоналарнинг сон ва фаолиятнинг сифат жиҳатидан ўзгаришининг солиқ турлари базаси ҳажмига таъсирининг таҳлили. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар базасини аниқлашнинг ўзига хослиги ва унинг таҳлили. Фойда (даромад) солиғи; жисмоний шахслар даромад солиғи ва



бошқа солиқларнинг солиққа тортиладиган базаларини йўриқномалар орқали ўрганиш ва таҳлил этиш\*.

### **Йиғма жадваллар тузиш услуби**

Йиғма жадвалнинг мазмуни ва уни тузишдан мақсад. Йиғма жадвалларнинг турлари. Таҳлилнинг мақсади ва вазифаларига қараб кўрсаткичлар киритиш\*. Худудлар, корхоналар, солиқ турлари бўйича йиғма жадваллар. Корхоналар фаолияти турлари; мулк шакллари ва бошқа белгиларига кўра йиғма жадваллар тузиш услубиёти\*.

### **Солиқ тўловчилар гуруҳлари бўйича солиқ тушумлари таҳлили**

Солиқ тўловчиларни гуруҳлаш, корхоналарнинг фаолият турларига қараб солиқ тушумлари таҳлили. Корхона бухгалтерия ҳисоботи асосида молиявий хўжалик фаолияти кўрсаткичлари\*. Корхонада солиқ тушумларига таъсир этувчи кўрсаткичлар. Алоҳида кўрсаткичларнинг ўртача миқдорлардан катта фарқланишлар сабабларини ўрганиш. Жисмоний шахслардан солиқ тушумлари. Худудлар бўйича (Республика, вилоят, шаҳар, туман) солиқ тушумлари таҳлили\*.

### **Солиқ тўловларининг корхоналар молиявий ҳолатига таъсири таҳлили**

Фаолият турларига қараб корхоналарни солиқлар ва тўловлар таъсири бўйича жадваллар тузиш (5 та). Жами солиқлар ва тўловлар йиғиндисининг салмоғини ҳар хил кўрсаткичлар бўйича аниқлаш\*. Тўғри ва эгри солиқларнинг жами солиқ юкидаги салмоқлари\*. Эгри солиқларнинг маҳсулот (иш, хизмат) таннархи, сотиш ҳажми ва бошқа солиқ турлари базасининг шаклланишига таъсири. Тўғри ва ресурс солиқлари ҳажмининг корхона молия-хўжалик фаолиятига таъсирини ўрганиш.

### **Юридик шахсларнинг фойда(даромад) солиғи бўйича ўртача ставкасини аниқлаш**

Ҳар хил фаолият билан шуғулланувчи корхоналарда солиққа тортиладиган база ва ўртача солиқ ставкасини аниқлаш зарурлиги\*. Аниқ материаллар асосида фойда(даромад) солиғи бўйича ҳисобланган ўртача солиқ ставкасининг ҳар хил корхоналарда аниқ ставка ва ҳақиқатда фойдадан фарқланиш сабаблари ва уларнинг таҳлили\*.

### **Қўшилган қиймат солиғи бўйича солиққа тортиладиган база ва ўртача солиқ ставкасини аниқлаш**

Турли фаолият кўрсатувчи корхоналар мисолида қўшилган қиймат солиғи бўйича солиққа тортиладиган базани аниқлаш\*. Солиққа тортиладиган оборотларни аниқлаш. Солиққа тортилмайдиган оборотлар. Ҳар хил ставкалар

бўйича алоҳида қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш. Қўшилган қиймат солиғининг ўртача солиқ ставкасини аниқлаш\*. Ўртача ставкага таъсир этувчи омиллар. Ўртача солиқ ставкаси асосида бюджетга солиқ тушумларини аниқлаш.

### **Солиқ тушумларининг прогнози**

Солиқ тушумларини прогнозлашнинг аҳамияти ва вазифалари. Солиқ тушумларини прогнозлашнинг зарурлиги. Прогнознинг эҳтимолий ва истиқбол табиати\*. Прогноз ҳисоблари учун асос бўлувчи материаллар. Солиқ тушумларини прогнозлашда макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисобга олиш тартиби\*.

### **Иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиш имкониятлари**

Прогноз даврига қараб прогноз турлари\*. Солиқ тушумларининг прогноз суммаларига таъсир этувчи объектив ва субъектив омиллар. Уларни билиш ва таъсирини олдиндан аниқлай олиш(кўра олиш). Прогноз жараёнларининг ва тенденцияларининг барқарорлиги\*. Кўрсаткичларнинг динамик қаторларини тузиш. Иқтисодий хусусиятларни ҳисобга олиш. Солиқ тушумлари прогнозининг барқарор бўлмаган иқтисодий жараёнларга таъсири.

### **Жисмоний шахслар даромад солиғини прогнозлаш**

Прогноз ҳисобларининг маълум тартиби. Уларнинг зарурлиги. Жисмоний шахслар даромад солиғини прогнозлаш учун зарурий кўрсаткичлар таркиби\*. Ходимлар сони, меҳнат ҳақининг ўртача миқдори. Кўрсаткичларга таъсир этувчи иқтисодий ва ижтимоий омиллар. Ҳар бир омилнинг таъсири таҳлили. Инфляция даражаси ҳисоби. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг инфляция даражасидан ортда қолиш коэффициенти\*. Жисмоний шахслар даромад солиғи прогноз суммасини ҳисоблаш тартиби. Прогноз суммасининг эҳтимоллик даражаси.

### **Тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромад солиғини прогнозлаш**

Солиқни прогнозлаш учун зарур бўлган кўрсаткичлар таркиби. Прогноз суммаларига солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларнинг таъсири\*. Тадбиркорлик турларини прогноз қилиш суммасига таъсири\*.

### **Юридик шахсларнинг (даромад) фойда солиғини прогнозлаш**

Даромад (фойда) солиғини прогнозлаш учун зарур бўлган кўрсаткичлар таркиби. Ялпи фойдани аниқловчи иқтисодий кўрсаткичлар. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш даражаси\*. Товар айланишининг ўсиш даражаси. Хизмат кўрсатиш ва иш бажаришнинг ўсиш даражалари\*. Ҳисобот даври учун ялпи фойда.

Солиқдан берилган имтиёзларнинг даромад (фойда) солиғи прогнози суммасига таъсири.

### **Қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини прогнозлаш**

"Қўшилган қиймат" тушунчаси. Қўшилган қиймат таркиби. Қўшилган қиймат солиғи ставкалари турлари. Қўшилган қиймат солиғи бўйича прогноз тушумларининг ҳисоби учун жадвал тузиш\*. Моддий соҳа ходимлари МҲФ ҳисоби. Акциз солиғи суммасини прогноз қилиш. Акциз ости маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми. Кўзда тутилаётган улгуржи нархлар. Амортизациянинг прогноз миқдорларини аниқлаш. Асосий фондларнинг янгиланиш ва эскириш даражаси. Ишлаб чиқариш воситаларига нархларнинг ўзгариши. Инфляциянинг кутилаётган даражаси. Қўшилган қийматнинг жами суммаси. Прогноз даври учун қўшилган қиймат солиғи суммаси\*.

### **Солиқлар ва тўловлар йиғиндисини прогнозлаш**

Солиқ тушумларини прогнози суммалари асосида йиғма жадвал тузиш, даромад (фойда) солиғи, қўшилган қиймат солиғи, жисмоний шахслар даромад солиғи, бошқа солиқлар ва тўловлар тушумларини аниқлаш услуги\*. Уларнинг ҳисобот давридаги салмоғи. Прогноз даври учун умумий тушумлар ҳисоби\*.

### **Солиқ органларида прогнозни ташкил этиш. Солиқ тушумлари ҳисоби ва назоратини юритиш**

Солиқ тушумларининг таҳлили ва прогнози бўйича солиқ органларининг вазибалари. Солиқ инспекцияларида прогноз бўлими ишларини ташкил этиш\*. Таҳлил ва прогноз бўйича солиқ инспекциясининг мажбуриятлари. Амалдаги солиқ қонунчилигига ўзгартириш киритиш учун таклифлар ишлаб чиқиш. Таҳлил натижаларидан корхоналарда ҳужжатли текширувлар ўтказишни танлашда фойдаланиш. Солиқ тўловлари тўлиқлигини аниқлаш\*.

### **Солиқлар ва тўловлар тушуми ҳисобини юритиш**

Тезкор бухгалтерия ҳисобини юритиш. Солиқлар ва молиявий жарималар ҳисобини юритиш. Бюджет даромадлари ва харажатлари классификацияси бўлими, бандлари. Солиқ органларига бухгалтерия ҳисоботлари ва ҳисобларини тақдим этиш\*. Аванс тўловлар, маълумотномалар, пеняларнинг қўлланилиши. Солиқларни ундириш бўйича тўлов хабарномалари. Инкасса талабномалари бўйича қайднома дафтари. Жисмоний шахслар даромад солиғини тўлаш тартиби. Даромадларни декларациялаш. Ер солиғи ва мулк солиғи бўйича тўлов хабарномалари. Йиғма реестрлар\*. Шахсий варақалар.

## **Солиқ органларининг солиқ ва тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида ундириши устидан назорати**

Солиқ органларида назоратни ташкил этиш. Молиявий жазолар, маъмурий жарималар қўлланилиш таҳлили\*. Прогноз бўлимида солиқ қонунчилигини бузганлик учун молиявий жарималарнинг қўлланилиши таҳлили.

### **4. ИНФОРМАЦИОН-ТЕХНИК ВОСИТАЛАР**

Бу фанни ўқитиш жараёнида қуйидаги замонавий техник воситалардан, фойдаланиш кўзда тутилган:

1. Компьютер;
2. Аудио ва видео жиҳозлар;
3. Диопроектор;
4. Кодаскоп;
5. Интернет тармоғи сайтлари:

- E-mail: [mail@finstat.ru](mailto:mail@finstat.ru)  
<http://www.finstat.ru/>
- E-mail: [valeo@etel.ru](mailto:valeo@etel.ru)  
<http://www.alpbook.ru/>
- E-mail: [alpina@alp.ru](mailto:alpina@alp.ru)

### **5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ**

Фан бўйича талабаларнинг ўзлаштиришларини баҳолаш семестр (ўқув йили) давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади:

- жорий баҳолаш (ЖБ);
- оралик баҳолаш (ОБ);
- якуний баҳолаш (ЯБ).

ЖБ ва ОБ турлари учун белгиланган баллар миқдори ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатнинг 70 фоизи, якуний баҳолаш эса 30 фоиз миқдорида белгиланади.

Фан бўйича дастур тўла ўтилгандан кейин ЯБ "ёзма иш" усулида (ўқув режасига кўра) ўтказилади.

Таянч тушунчаларга асосланган ёзма ишни ўтказиш тартиби рейтинг якуний баҳолаш босқичида ёзма иш усулини татбиқ этиш бўйича Намунавий Низом билан

белгиланади. Семестр (ўқув йили) давомида ўқитилган фан бўйича максимал 55 ва унда юқори фоизни тўплаган талаба қониқарли ўқиётган ҳисобланади. Фан бўйича максимал баллнинг 55 фоизидан кам балл тўплаган талаба қониқарсиз ўқиётган (академик қарздор) ҳисобланади.

## **6. АДАБИЁТЛАР**

### **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Адолат, 1999.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. -Т.: Адолат, 1999.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон Буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Беганов В.С., Қуролов М.Я., Шаулов Д.И., Кан У.Т. Финансовая политика, налоги и налогообложение. -Т.: Мир экономики и право, 1998.
6. Брызгалин А.В. Налоги и налоговое право. - М.: Аналитика пресс, 1999.
7. Йўлдошев М., Гурсунов Е. Солиқ ҳуқуқи. -Т.: 2000.
8. Налоги и налогообложение. Практикум. Учеб. пос. – М., 2000.
9. Шаулов Д.И., Кан У.Т. Солиқ қонунчилиги асослари. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000.
10. Хван Л.Б. Солиқ ҳуқуқи -Т.: Консаудитинформ 2000.
11. ЯҳёевҚ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти -Т.: Гофур Ғулом, 2000.
- 12.Сергеев И., Шипилин А. Оперативные финансовое планирование на предприятии. –М.: Финансы и статистика, 2002.
- 13.Морозова Т.Г., Пикулькина А.В. Прогнозирование и планирование в условиях рынка. Учеб. пос. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000.
- 14.Караваева И. Налоговое регулирование рыночной экономики. Учебное пособие. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000.
- 15.Соловьев И. Налоговые преступления: практика работы органов налоговой полиции и судов. –М.: ИДФБК-ПРЕСС, 2002.
- 16.Кочетков А. Анализ налоговых ошибок. Учеб. пос. –М.: Дело и сервис. 2000.
- 17.Маликов Т.С. Солиққа тортишнинг долзарб муаммолари. -Т.: Академия, 2002.
- 18.Беганов В. ва бошқ. Молия сиёсати, солиқлар ва солиқ солиш. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999.

## Қўшимча адабиётлар

1. Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси нашриёт маркази. -Т., 1999.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ қонунчилиги бўйича норматив актлар тўплами. 1-2 қисм. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси нашриёт маркази. -Т., 2002.
3. 2002 йил солиқлари ва мажбурий тўловлар бўйича маълумотнома. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси нашриёт маркази. -Т., 2002.
4. Альмардонов М., Амонов А. Солиқни прогноз қилиш. Ўқув қўлланма. -Т.: ТМИ, 2002.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прагнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги 2002 йил 30 декабрдаги 455 сон қарори.
6. Богатая И., Каралёва Н., Кузнецова Л. Как минимизировать ваши налоги. –М.: Феникс, 2001.
7. Солиқ тўловчининг журнали. 2002-2003 йил сонлари.
8. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси журнали. 2002-2003 йил сонлари.
9. Региональные и местные налоги и сборы. –М.: Бератор-Пресс, 2002.
10. Медведов А. Оптимизация налогообложения в 2002 г. –М.: МИФЭР, 2002.